

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

Viloyat
ijtimoiy-siyosiy
gazetasi

1928-yil 11-dekabrda
asos solingan

2024-yil 18-dekabr / CHORSHANBA / № 100 (13759)

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ: БУГУНГИ ИМКОНЛАРДАН ЭРТАНГИ ДОВОНЛАРГА

Бугун давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган ислохотлар замирида – инсон кадри, халқни рози қилиш, аҳолининг фаровон яшашини таъминлаш каби эзгу мақсад мужассам. Қай бир соҳага назар ташламайлик, ривожланиш, улкан ўзгаришларга гувоҳ бўлмоқдамиз. Мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида бунёдкорликлар жадал суръатларда олиб борилаётганда. Шу жумладан, Қуйи Чирчиқ тумани ҳам кенг қўламли ислохотлар марказига айланган. Энди бу ишларни янада ривожлантириб, туманимизни бундан юқори марраларга эришиши йўлидаги ҳаракатни сусайтирмаслигимиз шарт.



Акмал ХОЛМУРОДОВ,
Қуйи Чирчиқ тумани ҳокими

"Тошкент ҳақиқати" минбари



Аслида, раҳбар одам уни қилдим, буни қойиллатдим деганидан кўра, унинг ишларига одамлар баҳо бергани маъқул. Бугун аҳоли орасида юриб, улар билан гаплашиб, муаммо ва камчиликларга бирга ечим изларканмиз, зиммамга нақадар катта масъулият юклатилганини ҳис этаман. Уни ёруғ юз билан адо этиш эса катта бахтдир.

4



Вилоят бўйлаб

ТОШКЕНТ вилояти ҳокимлигининг махсус ишчи гуруҳи Тойлоқ туманида болаларни эрта ёшдан тақомиллаштириш лойиҳаси асосида ташкил этилган «Илк ривожланиш маркази» фаолиятини ўрганди. Келаси йилдан бундай марказлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида очилиши режалаштирилган.

НУРАФШОН шаҳар ҳокимлигида маҳаллалардаги ижтимоий ходимлар фаолиятини тақомиллаштириш ҳамда идораларнинг моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида 8 та замонавий ноутбук ҳамда 8 та рангли принтер ўз эгаларига топширилди.

АНГРЕН шаҳрининг бўш турган 35 гектар ер майдонида «Ангрен сити» мажмуаси қурилади. Лойиҳада 41 та кўп қаватли тураржойлар, 1 та мактаб, 1 та боғча, 1 та поликлиника ҳамда кўнгилочар объектлар қурилиши кўзда тутилган. Мажмуада 400 дан ортиқ иш ўрни яратилиб, аҳолига турли хизматлар кўрсатилади.

ЎРТА ЧИРЧИҚ туманидаги 72-ихтисослашган давлат умумтаълим мактабида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ўқитувчилари иштирокида «Маърифат улашиб» лойиҳаси доирасида маънавият тадбири ўтказилди. Ёшларни китобхонликка жалб этиш мақсадида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Тоҳир Қаҳҳор, Хондамир Қодирий ва бошқа ижодкорлар иштирок этишди.

ҚИБРАЙ туманидаги 2-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабининг "Chashma Kids" ва "Chashma" рақс гуруҳлари "Aстана stars" ташкилоти томонидан ўтказилган "Tashkent Triumph Festival" халқаро кўрик-танловида иштирок этиб, Осиё ва Европа давлатларидан келган тенгдошлари орасида фахрли 1- ва 2-уринларни қўлга киритишди.

Бўкада йирик лойиҳа ишга тушди

Яхши хабар

Бўка туманида юқори қувватли қуёш фотозлектр станцияси ишга тушди.



Хитойнинг "China Datang Overseas" компанияси томонидан амалга оширилаётган умумий қуввати 263 МВт.ли қуёш фотозлектр станцияси лойиҳасининг дастлабки 50 МВт қувватини тармоққа улаш маросимида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев, "Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари" АЖ бошқаруви раиси Д. Исоқулов,

корпорация раҳбариятининг вакиллари ва нуронийлар иштирок этишди.

Тумanning "Бўка" маҳалласида ишга тушган фотозлектр станциясининг лойиҳа қиймати 150 миллион долларни ташкил этади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати



Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида қурилиши мўлжалланган халқаро туризм маркази тақдироти билан танишди.



Бўстонлиқда кенг миқёсли туризм маркази қурилади

Дунё билан алоқалар кенгайиб, инфратузилма ривожлангани сари мамлакатимизнинг туризм салоҳияти ҳам ошмоқда. Шундай жозибадор масканлардан бири, шубҳасиз, Бўстонлиқ тумани. Чорвоқ сув омбори ва дарёлари, қорли тоғлар,



Давлатимиз эътибори билан сўнгги йилларда Бўстонлиқда кўплаб янги мажмуалар бартуртуризм салоҳияти ҳам по этилди, Амирсой, "Белдирсой-Чимён-Нанай" курорти каби лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, сўнгги беш йилда 2 триллион сўмдан зиёд инвестири,

хушманзара дарахтзорлари боис у ерда йилнинг барча фаслида мароқли хордиқ чиқариш мумкин.

ция киритилиб, 13 мингдан зиёд уринга эга 59 та янги туризм иншооти ишга туширилди.

2

"Тошкент ҳақиқати" йўқлови

Илмнинг ойдин йўли



...У болалигидан физик бўлишга аҳд қилди. Айниқса, атомнинг яратилиши, фазога космик кемаларнинг учурилиши уни юртимизда етишиб чиққан Аҳмад ал-Фарғоний, Беруний, Абу наср-Фаробий, Мирзо Улуғбек каби алломаларнинг тажрибалари, кашфиётлари битилган рисоаларни, китобларни қўлдан қўймай мутолаа қилишга чорлади...

Ҳаётда ўз қадрини топган, юқори мартабаларга эришган инсонлар ҳақида сўз кетганда кўз ўнгимизда диёнатли қалб соҳиби, салоҳиятли раҳбар – Чирчиқ давлат педагогика университети ректори, физика-кимё фанлари доктори, профессор Ғафуржон Муҳамедов сиймоси гавдаланади. Унинг ҳаёт йўли ёш замондошларимиз учун ўзига хос ўрнак мактаби эканига гувоҳ бўламиз.

2

Обуна-
2025

Азиз дўстлар!

"Тошкент ҳақиқати" газетасига
2025 йил учун обуна бўлишни унутманг.

Хонадонингиз ва идорангизга йил бўйи ҳафтада икки марта – чоршанба ва шанба кунлари кириб бориб, Сизни зериктириб қўймасликка, яқин маслақдош бўлишга кафолат берамиз!

Унутманг, оилада китобхонлик маданияти газета ўқишдан бошланади!

Боғланиш учун телефонлар: (55) 520-21-20; (97) 432-00-35

Нашр индекси – 205



...Мақтабни аъло баҳоларга битирган ўспирин йигит мақсадига эришиш учун Тошкент давлат университетининг физика факультетига ўқишга кирди. Олийгоҳни битириб, ярим ўтказгичлар физикаси мутахассислигига эга бўлди. Сўнг Москвадаги Л.Я.Карпов номли физика-кимё илмий-текшириш институтига иш бошлади. Ушбу соҳанинг сир-синоатларини ўрганиб, ўз устида тинимсиз изланди. Бу меҳнатсеварлик беиз кетмади, албатта. У номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Дастлабки меҳнат фаолиятини 1975 йилда Тошкент давлат университетида радиофизика кафедраси муҳандиси сифатида бошлаган ёш олим кейинчалик Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтига ишлаш бошлади. Уша кезларда талабаларга физика фанидан дарс берди.

Умр оқар дарё, дейдилар. Орадан шунча йил ўтиб кетган бўлишига қарамай, устознинг камтарлиги, самимийлиги, очикқўнгиллиги каби инсонийлик фазилатлари ҳамон ўша-ўша.

полимерлар физикаси ва кимёси билан шуғулланди. Москва давлат университетининг олимлари билан биргаликда поликомплекс ва композицион материаллар яратиш устида иш олиб борди. Узоқни олдиндан кўра билган ихтирочи олим илмий лойиҳалари билан қишлоқ ва сув хўжалиги тараққиётига улкан ҳисса қўшди. Сувни иқтисод қилиб, тупроқни шомол ва сув эрозиясидан ҳимоя қиладиган модда яратишга эришди ва докторлик диссертациясини ёқлади.

Ҳикоямиз қаҳрамони ҳатто мудҳиш Чернобыль фалокатидан кейин Курчатов номидаги илмий-текшириш институти лаборатория ходимлари билан ҳамкорликда нурланган ҳудудда бир ой сафарда бўлиб, зарарланган радиоактив қум заррачаларини кўчишдан, силжишдан сақлаш устида тажриба олиб борди. Натижада қутулган мақсадга эришилди.

Шунингдек, поликомплекс ва композицион материаллар қишлоқ хўжалигида ҳам катта самара бера бошлади. Хом ашё сепилган жойда намликни сақлаш, ерни

педагогика университети ректори лавозимида ишлаб келаётган устоз тарбия ва таълим уйғунлигини таъминлаш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқда. Ректорнинг қуюнчаллиги, ташаббускорлиги туфайли олийгоҳда фан номзодлари, профессор-ўқитувчилар ишга таклиф этилиб, ниҳоятда қисқа фурсатда салоҳиятли жамоа шакллантирилди. Шунингдек, индивидуал ёндашув асосида халқаро ўқитувчиларни тайёрлаш, кўш соҳа мутахассисларини етиштириш ишлари олиб борилаётгани эришилган ютуқларнинг яна бир кўринишидир.

– Ҳозирги кунда университетимизни битирган талабаларимизга чет эллардан ҳам талаблар тушмоқда, – дейди устоз. – Келаси йилда икки нафар талабаимизнинг Бирлашган Араб Амирикларида ишга кетиши кутилмоқда. Шу пайтгача 15 нафар талабаимиз халқаро Кембриж сертификатига эга бўлди. Юздан ортиқ талабалар кўш мутахассислик дипло-



Бўстонликда кенг миқёсли туризм маркази қурилади



Бундай натижалар чет эллик инвесторларни ўзига тортмоқда, катта миқёсдаги лойиҳаларга йўл очмоқда. Жумладан, озарбайжонлик ишбилармон Эмин Агаларов бир қатор йирик хорижий компаниялар билан шерикликда Чорвоқ сув омбори бўйида "Sea Breeze Uzbekistan" халқаро туризм маркази барпо этиш истагини билдирмоқда.

Лойиҳага қура, унда дам олиш, чўмилиш ва спорт масканлари, меҳмонхоналар, коттежлар, тураржойлар бўлади. Халқаро брендларнинг дуконлари, ресторани ва хизмат шаҳобчалари очилади. Турли фестиваллар, концертлар ва бошқа маданий тадбирлар ўтказилади. Икки қирғоқ ўртасида кўприк қурилиб, келувчиларга қулайлик оширилади. Келажакда ўзига хос туризм хабиға айланиб, унда йил давомида дам олиш ва яшаш мумкин бўлади.

Давлатимиз раҳбари бу таклифни маъқуллаб, уни халқаро тажриба асосида лойиҳалаштириш ва босқичма-босқич қуриш зарурлигини таъкидлади. Бош вазир бошчилигида комиссия тузиб, лойиҳанинг ҳуқуқий асосини яратиш, инфратузилма масалаларини ҳал этиш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

ВИЛОЯТДА САНТА КЛАУС ПАРКИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон ва Финляндия ўртасидаги муносабатлар туризм, таълим ва экологик инновациялар каби соҳаларда жадал ривожланишига ҳисса қўлади. Шунингдек, Тошкент вилояти ва Лапландия ҳудуди ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Худудлараро бундай чуқур ҳамкорлик икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқади.

Шу муносабат билан Бўстонлик туманидаги Green Hills Resort мажмуасида "Санта Клаус парки"нинг расмий очилиш маросими бўлди. Бу воқеа Финляндиянинг бир қисмини Ўзбекистонга олиб келишга имкон яратди.

Парк меҳмонларини Лапландиядан олиб келинган Санта Клаус уйи ва унинг машҳур эгаси кутиб олади. Шунингдек, паркда Янги йил арчаси, эртак қаҳрамонлари билан интерактив театр томошалари, кўнгилчар шоулар ва кўплаб совғалар мавжуд.

Финляндия маданий меросининг муҳим рамзи бўлган "Санта Клаус парки"нинг ташкил этилиши маданий дипломатияни ривожлантириш ва ўзаро англашувни мустақамлашга хизмат қилади. Бундай ташаббуслар халқлар ўртасидаги алоқаларни мустақамлаш, туризмин ривожлантириш ва келажакда ижодий ҳамда тижорий соҳалардаги ҳамкорликни рағбатлантиришда муҳимдир.

ИЛМНИНГ ойдун йўли



қатқалоқдан асраш, ҳосилни эрта етилтириш ва 5-10 фоизга ошириш хусусиятига эга бўлган моддалар пахтачилик соҳасида кенг қўлланила бошланди. Сув хўжалигида сувни иқтисод қилиш ва чуқур ер ости филтрациясини камайитиришда яхши кўрсаткичларга эришилди.

Ўзгармаган. Шу туфайли бўлса керак, мен ҳам шундай зотлар сабоқларидан баҳраманд бўлганимдан фахр ҳиссини туйман.

Илм олмоқ игна билан қудуқ қазийдек машаққатли, дейди халқимиз. Бу ҳикмат замирида бир дунё маъно бор. Олим бўлиш осон эмас. Бунинг учун инсон ўз касбининг фидокори бўлиб, эл қорига ярайдиган кашфиётлар яратиши зарур. Айниқса, физика шундай фанки, бу соҳада эришилган ҳар қандай янглик инсоният тараққиёти учун муҳим бўлган тармоқларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Устоз узоқ йиллар давомида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтига ишлаш билан бирга илмий изланишларини давом эттирди. Ўз соҳасининг етук вакили бўлиб етишиш мақсадида

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ми ва сертификатини олишти. Масалан, ўқитувчилар физика билан математика, биология билан кимё, бошланғич таълим билан чизмачилик ёки мусиқа таълимидан бирваракайга дарс беришлари мумкин. Бу ёш кадрларнинг нуфузини оширибгина қолмай, балки моддий жиҳатдан ҳимоя қилган ҳолда, аниқ иш жойини ҳам таъминлайди.

Ғафуржон Муҳамедовнинг эришган ютуқлари, меҳнатлари муносиб баҳоланиб, «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» унвони, «Меҳнат шухрати» ордени, «Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги» эсдалик нишони ва «Олий таълим аълоҳиси» кўрак нишонлари билан тақдирланган.

Кўпчиликка ибрат бўлиб яшаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Айниқса, фарзандлар тарбиясида. Турмуш ўртоғи Лола опа Муҳамедова билан 47 йилдан бунён фаизли ҳаёт кечириб келаётган устоз тўрт нафар фарзандни вояга етказиб, илмли қилишди.

Айни вақтда Чирчиқ давлат

Атомдан то Қуёш тизимигача бўлган чексиз коинотда ғайритабиий бир ҳаракат бор. Атом

йил оморда сақланган бугдойни ерга селиб, парваришласалар, ўз даврига нисбатан беш баробар кўп ҳосил берган экан. Агар бугдойни истеъдодга менгзасак, унинг томир суриши – ҳақ гап. Профессор отанинг фарзандлари ҳам ана шундай истеъдодни яққол қуриш мумкин.

Ҳаётда ўз ўрнини топган қизлари ҳам ота изидан боришди. Лобар – педагогика фанлари доктори, профессор, Дилбар – психология фанлари доктори, профессор, Муъяссар – тиббиёт фанлари доктори, профессор, Зиёда – техника фанлари доктори, профессор унвонига эришдилар. Физиклар таъбири билан айтганда, профессорлар сулоласининг билимга «тортилиш кучи» юксак даражада.

Саодат МУСАЕВА, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

– Яқинда иккинчи фарзандимни дунёга келтирдим. Қўлимга QR кодли маълумотнома тутқазишди. Айтишларича бу метрика ўрнига ўтар экан. Биринчи фарзандимда гувоҳнома олган эдик. Энди метрика берилмайдими?

Азиза МУРОДОВА, Паркент тумани

Саволга Паркент туманининг 2-сон ФХДБ бўлими мудираси Саодат АҲРОЛОВА жавоб беради:

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш тартибларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, 2023 йил 1 январдан Тошкент шаҳрида, 2023 йил 1 июндан бутун республика ҳудудида туғилганликни тиббиёт муассасалари орқали фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларида қайд этиш тартиби жорий қилинди.

Бунда туғилганлик ҳолати Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимида қайд қилинганлиги ҳақида тиббиёт муассасалари томонидан QR код (матрикс штрихли код) тасвири туширилган маълумотнома берилди.

Мазкур маълумотнома туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳномага тенглаштирилади ҳамда давлат органлари ва ташкилотлар томонидан қабул қилишни рад этиш қатъиян тақиқланади.

Туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳнома фуқароларнинг исталган вақтдаги муражаатларига асосан Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлиmlари томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи миқоридида герб йиғини ундирилган ҳолда расмийлаштириб берилди.



Сўраган эдингиз

Маънавий ҳаёт

ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ БОЛАЖОНЛАР ХИЗМАТИДА

Фарзандларимизнинг маънан ривожланишида қўғирчоқ театрининг ўрни ва аҳамияти жуда муҳим. Негаки, қўғирчоқ театри томошалари болаларга бир олам завқ бағишлаш билан бирга, улар онгида меҳр, ишонч, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тушунчаларни пайдо қилади. Саҳнада жонли намоён этилаётган спектакллар ёш томошбинларнинг дунёқарашини, маънавий онги шаклланишига хизмат қилади.

Аслида қўғирчоқлар актёрлар ижросида ҳаракатга келади ва гапирди. Лекин кичик томошбинлар бунинг билмиши ва саҳнадаги эртак қаҳрамонларига ишониади. Улар қўғирчоқларнинг ҳар бир ҳаракатини ўзгача қизиқиш ва диққат билан кузатишади.

Лекин, бугунги болаларни

лол қолдириш, ишонтириш анча мушкул. Замон шиддат билан ўзгармоқда, фан ва техника тараққий этмоқда. Энди болаларни оддий қўғирчоқ билан лол қолдириб бўлмайди. Афсусланарлиси, ота-оналарнинг қўғирчоқ театрларига фарзандларини етаклаб келишига вақтлари йўқ...

Аммо Бекобод шаҳрида бўлганимизда, бунинг аксини кўрдик. Сабаби, шаҳардаги қўғирчоқ театри болаларга бир олам завқ улашиб келмоқда.

«Қўғирчоқ» номли халқ ҳаваскорлик театри Бекобод шаҳар Маданият бўлими қошида 1998 йилда ташкил этилган. 8 нафар актёрдан иборат театр жамоаси шаҳардаги мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида, вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган кўрик-танлов, фестиваль, маданий-маърифий тадбирларда ўзларининг тарбиявий аҳамиятига эга спектакллари билан иштирок этиб келмоқдалар. Қувонарлиси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг қарорига биноан, ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, миллий кадриятларни тиклашдаги фаол

хизматлари ҳамда юксак ижрочилик маҳорати учун жамоага халқ ҳаваскорлик театри унвони берилган.

– Қўғирчоқ театрида ишлаш актёрдан катта масъулият ва маҳорат талаб этади, – дейди театр режиссёри Абдулла Тожиев. – Сабаби улар саҳнада ҳаёт ҳақиқатини англаб етган шахс билан эмас, балки тасаввурлари эндигина кўртак отаётган мурғак болалар билан юзма-юз келади.



Аммо баъзилар (катталар) қўғирчоқ театрини менсимайди. Ҳар лаҳзада кичикинтойларда ижобий ҳиссиётлар, ҳаяжон ва ҳайрат уйғота олишга қодир бундай жонли ижрон бошқа жойда учрата олмайсиз. Энг муҳими, бу томошалар болалар қалбида яхшилик, дўстлик, жасурлик, тўғрилиқ, қийин пайтларда ўзгаларга ёрдам



бериш кераклиги каби ҳислатлар куртак отишига сабаб бўлади.

Жамоа аъзолари билан суҳбатлашиб, уларнинг ўз касбларини севишларига амин бўлдик. Фиримизча, уларнинг фаолиятини янада оммалаштириш, кенгроқ тарғиб қилиш керак. Мисол учун, театрда саҳналаштирилган асарларни ижтимоий тармоқларга жойлаш мумкин. Ёки шартнома асосида телеканаллар учун махсус томошалар қилиш керак. Жамоа ҳам «Ёшлар» ва «Нурафшон» телеканаллари орқали дам олиш кунлари болалар учун томошалар

қўйиш таклифини билдиришди. Бу таклиф қўллаб-қувватланса айти мурдао бўларди.

Дарвоқе, биз ҳам шу кунни қўйилган эртак спектаклни томоша қилдик. Жонли томоша кўриш завқи барибир бошқача-да. Бир оз бўлсада болаликка қайтиб, мириқиб дам олдик.

Айтмоқчи бўлганимиз, фарзандларимизни тез-тез қўғирчоқ театрларига олиб борайлик, уларга эртакнамо лаҳзаларни ҳада қилайлик. Акс ҳолда улар учун телефондаги мобиль ўйинлар, маъно-мазмунсиз томошалар муҳим бўлиб қолаверди.

Нозима РАСУЛОВА, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар



“Металлург” маданият саройи 60 ёшида



Олмалиқ кон-металлургия комбинатига қарашли «Металлург» маданият саройининг 60 йиллиги кенг нишонланди.

Сана

Тадбирда сўз олган ОКМК АЖ бошқаруви раиси Абдулла Хурсанов ушбу даргоҳнинг ходимлари бугунги кунда кўп миллатли комбинат ишчи-ходимларининг маънавий дунёқарашини ошириш йўлида сидқидилдан хизмат қилиб келишадигани, айниқса, сарой болажонларнинг сеvimли масканига айланганини таъкидлаб, меҳнат жамоасига ўзининг самимий тилақларини билдирди.

Тадбирда маданият саройи ижодий гуруҳларининг фаолияти ва ютуқларини акс эттирувчи кўргазма ҳам ташкил этилди.

Дарҳақиқат, мухташам “Металлург” маданият саройи нафақат Олмалиқ шаҳри, балки Тошкент вилояти ва республикамиздаги энг кўзга кўринган саройлардан бири ҳисобланади. Унда кўплаб тантанали тадбирлар, танловлар, кинотакдимотлар, ижодий учрашувлар мунтазам ўтказиб келинади.

Ушбу масканда фаолият олиб бораётган бадиий ҳаваскорлик жамоалари шаҳар, вилоят ва республика миқёсида ўтказиладиган оммавий ва маданий тадбирларда фаол иштирок этиб келишади.



Айни пайтда маданият саройида 25 та бадиий ҳаваскорлик жамоалари бўлиб, уларда қатнашувчи болалар сони 550 нафардан зиёдни ташкил этмоқда. Жамоалар жуда кўп ютуқларни қўлга киритишган. Жумладан, жорий йилнинг ўзида “Эдельвейс” ва “Калейдоскоп” ракс ансамбллари ҳамда “Радуга” цирк жамоаси турли танловларда юқори ўринларни эгаллашган.

Тадбирда маданият саройининг бир гуруҳ ишчи-ходимлари фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Шунингдек, маданият саройи ижодий гуруҳлари томонидан тайёрланган концерт дастури барчага манзур бўлди.

Маълумот учун: “Металлург” маданият саройининг қурилиши 1952 йилда бошланиб, 1964 йилнинг ноябрь ойида фойдаланишга топширилган. 2018 йилда тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, замонавий қиёфага келтирилган. Саройда болалар ва ишчи-ходимлар учун барча қўлай шароитлар яратилган.

ОКМК Ахборот хизмати

Томорқачилик

Лимон ва узум етиштириш оммалашади



Жумладан, 2025 йилдан бошлаб жойлардаги 118 мингдан зиёд аҳоли хонадонларининг томорқа ерларида лимон ва узум кўчатлари экиш ишлари оммалаштирилади. Бу жараёнда

Аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, кўчат ва уруғларни етказиб бериш бўйича Тошкент вилоятида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

томорқа хизмати корхоналари, фермер хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлик субъектлари аҳолига кўмаклашади. Режа бўйича мазкур йўналиш учун Бўка, Паркент, Оҳангарон, Бекобод, Пискент, Тошкент, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Бўстонлик ва Қибрай туманлари танлаб олинган.

Масалан, Ўрта Чирчиқ туманининг “Юқори овул” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 76 ёшли отахон Саидали Аҳмедов ўз томорқасидаги иссиқхонада лимончилик билан шуғулланиб, бу йил ички бозорга 2 тоннадан ортиқ лимон етказиб берди. Унинг бу меҳнатлари муносиб баҳоланиб, ҳудуд масъуллари томонидан “Намунали томорқачи” кўкрак нишони топширилди.

Аслида бу каби намунали томорқачилар вилоятда кўпчиликти ташкил этади.

Шунингдек, ҳар бир туманда томорқадан етарли фойдаланмаётган маҳаллалар ажратиб олиниб, бу тоифадаги оилалар билан яқиндан ишлаш тизими йўлга қўйилади ва назоратга олинади.

Ўз навбатида, Оққўрғон, Бўка, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Паркент туманларининг айрим сув таъминоти оғир ҳудудларида томорқа ер майдонларини суғориш учун вертикал кудуқларни бургилаш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳам режалаштирилган.

Абдулазиз МУСАЕВ

Ёднома

Адабиётда ҳар бир ижодкорнинг ўзига қўйиб кетган ҳайкали бор. Улар ўзига хос ва бетакрор. Масалан, Бобур Мирзо ўзига хослиги баробарида Бобораҳим Маширабдан ажралиб туради. Абдулла Ориповнинг замондош шоирлардан бўлакчалиги шоир асарларининг гўзаллиги ва улугворлигидадир. Мана шу адабиёт боғида ҳассос шоир Амирқул Пўлканнинг ҳам ўз ўрни, ўз овози мавжуд.

Жалоскоф ишиқ изтироблари

(Амирқул Пўлкан ижодида чизгилар)

Бугун у орамазда йўқ, аммо қирқ икки йилдирки, унинг хотираси бор, китобларида яшаётти. Фарзандлари қалбда қайғу ва укинч...

*Биламан, балки умрим,
Сўқмоқдек қисқа бўлар.
Биламан, бу дунёда,
Ҳеч нарса мангу қолмас.*

Ўз умрининг башорати эдими бу? Биз буни бандлик, деймиз. Ҳазрати нимагадир боғланган деб тасаввур қиламиз. Ҳа, биз одамлар эркизмиз, тақдиримизга, жилақурса, ўзимизга, айбу нуқсонларимизга тор тасаввуримизга тобе ҳолда яшаймиз. Лекин бир файласуф айтидики, инсон фикрлар экан, яшайди. Инсоннинг ҳеч қандай ўтмиши ёки келажаги йўқ. Бугун бор, холос. Бу – инсон тўла эркин дегани эмасми? Инсон – озод куш каби эркин ва хур. Шу боисдан қандай яшашни ўзи белгилаб олиши лозим.

Амирқул Пўлкан шеърлари ҳақида сўз айтган кишилар, аввало, унинг тўғри сўзлиги, самимийлигига эътибор беришади. Масалан, 1979 йили нашр этилган “Булоқ” китоби сўзбошида Ўзбекистон

халқ ёзувчиси Мирмуҳсин шундай ёзди: “Унинг шеърлари халқ оғзаки ижодида хос рангин оҳангларга бойлиги, самимийлиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради”.

Бу баҳри муҳитда шоир бўлишдек катта бир қайғу бор. Шоир бўлгандан кейин ҳақиқатнинг кўзига тик қараб яшаш керак, зеро, фақат шоиргина рост сўзлашга масъул бўлади.

Рост сўзлаш қалбингни ёқши, ўзингни, ўзгаларни, нобоб муҳитни, ҳақиқатга тескари қурилган моддий дунёни фож этиш демасди. Бу эса, нақадар мушкул иш. Ҳаммасидан қийини шундаки, санъаткор ўзини шунга мажбур қилади, ўзигини энгшиш учун ўзи билан аёвсиз курашади. Курашиш баробарида жуда кўп тўсиқларга дуч келади. Дастлаб ўзлик қусурлари – манманлик, кибру ҳаво, шайтон вавасаси гирибонидан олади. Кейин ўзи яшаб турган муҳит, ҳар хил феъл-атвордаги одамлар, руҳий оламидан узоқ бўлган нотаниш дунё қаршисидан чиқади.

Шоир кўнглига суюниб олий ҳақиқатга интилади. Бу йўлда унга ишқ, муҳаббат, поклик, меҳр-садоқатдек гўзал туйғулар ҳамроҳ бўлади.



*Сен менinge орзум бўл,
Кўшиқ бўлиб янгра қалбимда.
Муқаддас бўй бўлгин,
Умри узун бўл,
Армон бўлиб қолма қалбимда!
Зангор бўлишқларга шўнги,
Юлдуз бўлиб порла, қувонай.
Сабо бўлиб эсгил тонгаи –
Гўзаллигинг шавқига қонай.
Сени қўйлаб ўтай,
Ҳур бўл.
Ёниқ қалбим бўлиб қол, гулим,
Умримга мезон бўл,
Мақсад бўл,
Кўзларимга нур бўл, севгим!*

Шоир самимий сўзлар, дилбар оҳанглар ёрдамида кўнгли дунёсини ўзга қалблар билан боғлайди. Бу хонишлар мисоли гўзал сатрлар саррин саболардек сизга хузур бахш этади. Дилингниз аллақандай нозли туйғулардан энтиқади. Ўзингизни илоҳий бир дунёга кириб қолгандек сезасиз. Бехитиёр оҳорли бу сўзлар сизга ҳам юқади. Муҳаббат боғига кириб қолиб, ундан чиқа олмайган ошиқ изтиробларига шерик бўласиз.

*Кетдинеиз сиз мени турки ўлтириб,
Кетдинеиз қўл етмас манзиллар сари.*

*Наҳот хато қилсам сизга дил бериб,
Наҳотки бир тушдек туғаса бари?*

Ёниқ ҳислар, туйғулар ошиқ кечмишидан сўзлайди. У бир дилрабо жафолардан нолийди. Утган кунлар нечоғлик фусункор бўлса-да, кечди. Улардан яхши-ёмон хотиралар қолган. Ачинарлиси, севги, муҳаббат ёнишлари ҳамма-ҳаммаси ортда – ўтмишга, хаёлга айланган:

*Ўтмиш қолди бунда, келажак қолди,
Кетдинеиз лаб тишлаб ёлғиз паришон.
Озор кетдинеизми, нималар бўлди?
Сурамоққа бир лаҳза беринеиз имкон.*

Булар шунчаки сўзлар уюми эмас, балки инсон қалби оҳанглиридир.

Гоҳида бир умр бирга яшаган кишини қалбидан нималар борлигини тушунолмайсан, ҳар лаҳза, ҳар бир дақиқа умр йўлдошинг феъл-идаги қусурлар, нуқсонлар, асабинга тегса-да, индамайсан. Ёки ўзинг унинг осойишта ҳаётига ҳалақит бераётганинг боисини билсанг-да, яширасан. Ҳа, инсон қисмати шу қадар чигал. Шоир – ошиқ. У ҳамisha муҳаббатга суюниб яшайди. Ўзини ўзидан халос этувчи куч ҳам шу муқаддас туйғу эканлигини тан олади. Бундан-да қувониб, кўкси гурурга тўлади, бу

эса шоирнинг иқрои ўлароқ юзага чиқади.

*Мен куламан ва йиғлайман,
Юпанаман қай бир кўшиқдан.
Шодлансам дунёга сизгамайман,
Чунки, мен ошиқман.
Мен ёндираман ва ёнаман,
Шамолдай сирғалиб кирғум эшикдан.
Мен сабр қиламан ва кўнаман,
Чунки, мен ошиқман...*

Шоир ошиқлиги билан фахр этади. Бобоси Пўлкан бахшидан қолган саз оҳанглирига сўз қўшиб, ажиб бир уйғунлик ҳосил этади. Сўз ва оҳанг бирлашиб кўркам бир бутунлиқни яратди ва бу муаззам обидани сизни ҳайратга солади. Шеърдан кўра кўпроқ оҳангга маҳлиё бўласиз.

*Сен-ла кечан даврим менinge соз ўтди,
Ўртамизда қанча фироқ-ноз ўтди.
Сездирмасдан баҳор ўтди, ёз ўтди,
Баҳоримни энди ёздан сўрайман.
Шоир қалби билмас асло ҳаловат,
Ишқ бўлмаса надир назму маҳорат.
Гоҳ топмадим оловлардан ҳарорат,
Ҳароратни гоҳи муздан сўрайман.
Бир қувшиқ, билсанг, ишқим, имоним,
Сўнмоғига зарра йўқдир гумоним.
Ҳар қайдаки сени кўрган замоним,
Гуноҳимни қора кўздан сўрайман.*

Ошиқлик бир йўловчиликка монанд. Абадият ва ҳақиқат йўли бу! Бу охири йўқ роҳларда инсон кўнглига йўлдош бўлиб ёлғиз ишқ қолади.

Муҳаббат моҳияти нимада? Уни ким биллади?

Бу сўроқларга, афсуски, ҳеч ким жавоб бера олмайди. Ҳар куни севги, муҳаббат ҳақида гапиримиз, бироқ бу улғу туйғу нимада эканлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз:

*Муҳаббат – қўл етмас маъво!
Муҳаббат – Танарининг сир!*

*Шоир иқрои эса бу:
Илож йўқ!
Топмадим тадбир,
Бу дарёга ўзим келдим.
Бошимга тушса не савдо,
Ўзим қилдим, ўзим қилдим.*

Юсуф РАСУЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси аъзоси

БИР ОИЛАГА – ЕТТИ ИМКОНИАТ

Инсон яшар экан, турмушдан рози, эртанги кундан кунги тўқ бўлиши керак. Аслида одамзот ўз орзуларини амалга ошириши учун бир неча омил керак. Шулардан бири маблағ билан боғлиқ. Агар инсон молиявий таъминланган бўлса, кунгли тўқ, хотиржам яшайди.

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан аҳолини камбағалликдан чиқариш умумхалқ ҳаракатига айланди. Бу барча раҳбарлар зиммасига катта масъулият юкламоқда. Негаки, бир ишсиз фуқарони ишли қилиш, унинг хонадонига барака киришига, оила аъзоларининг ҳаёти фаровонлашишига сабаб бўлади.

Зеро, камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, касбга тайёрлаш ва иш ўринларини кўпайтиришга қаратилган комплекс вазифадир. Йил бошида туманимизда камбағаллик даражаси 14,4 фоизни ташкил қилган бўлса, “Камбағалликдан – фаровонлик сари” дастурининг самарали ижроси натижасида бугунга келиб 9,1 фоизга тушди. Бунда, биринчи навбатда ижтимоий реестрда турувчи 3 минг 49 та, шунингдек, унга қирмаган 230 та оилани ўрганиб, тоифаларга ажратиб олди. Жами 496 та энг оғир ҳолатдаги оилалар аниқланиб, уларга вилоят ва туман ташкилотлари раҳбарларидан 99 нафар вакил бириктирилди. Ҳозирда масъуллар томонидан мазкур оилалар билан 7 та имконият тамойили асосида хонадонбай иш олиб борилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида туманимизда камбағаллик даражаси йил охирига бориб 7 фоизга, 2025 йил якунига қадар эса 5 фоизга қисқариши кўзда тутилган. Бу ишларни мувофиқлаштириш мақсадида, туман ҳокимлигида штаб ташкил этилиб, кунлик маълумотларни умумлаштириш, таҳлил қилиш ва юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш чоралари кўриляпти.

Масалан, биргина хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни таҳлил қилайлик.

Вазирлар Маҳкамасининг туманни ривожлантиришга қаратилган қарорига кўра, кейинги беш йилликда 2 минг 570 нафар хотин-қизни касбга ва тадбиркорликка ўқитиш орқали бандлиги таъминланади. Ҳар йили 5 нафардан, 5 йил давомида 25 нафар ижтимоий Ҳимояга муҳтож хотин-қизларга контракт тўловлари тўлаб берилади.

Шунингдек, “Йўчи”, “Сайхунобод”, “Ғиждувон” тажрибаларини оммалаштириш орқали аҳоли даромадларининг орттишига кўмаклашилмоқда. Хусусан, “Зарбдор” тажрибаси асосида 10 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган бўлиб, ҳозиргача 6 таси ишга тушди. Натижада 319 та янги иш ўрни яратилди. “Ғиждувон” тажрибаси доирасида эса 13 та лойиҳа ишга тушди ва 256 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди.

ИСЛОҲОТ ВА ИСТИҚБОЛ

Инвестиция салоҳияти юқори ҳудудлар тараққиётда илғорлар сафида бўлади. Бугунги давр шунга тақозо этмоқда. Инвестиция кириши ортгани сари, аҳолининг турмуш тарзи яхшиланиб бораверади. Аслида инвестицион жозибadorлик – янги иш ўрни, маблағ дегани.

Маълумки, туманимизнинг қурилиш, электротехника ҳамда озиқ-овқат соҳаларида ҳам имкониятлари етарли. Шу боис ушбу йўналишларда инвестиция лойиҳаларини кўпайтириш, чет элдан тўғридан-тўғри инвесторларни жалб қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2024 йил якуни бўйича 100,2 миллион доллар хорижий инвестициялар жалб қилиниб, яратилган иш ўрни 875 тага етказилди. Бу борада “Дўстлик”, “Ибрат”, “Жўмағул” маҳаллаларида ташкил этилган саноат зоналари имкониятларидан фойдаланилади. 2025 йилдаги режалар эса бунданда катта.

(Давоми. Бошлангичи 1-саҳифада)

Инвестиция дастурлари ижроси натижасида қўшимча 1,5 мингдан орტიқ янги иш ўрни яратилиб, 46 млн. долларлик экспорт амалга оширилади. Аҳоли томорқалари ҳамда деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун ажратиб берилган ер майдонларига экспортбоп маҳсулотлар экишни йўлга қўйиш орқали экспортни камида 20 фоизга ошириш режалаштирилган.

ЙўЛЛАР РАВОН – ДИЛЛАР НУРАФШОН

Йўллар манзилларни манзилларга, кўнгилларни кўнгилларга туташтиради. Албатта, йўлларимиз равон бўлса, узоғимиз яқин бўлади, ҳайдовчи уловини хотиржам бошқаради, кўнгилсиз ҳолатларнинг олди олинади.

Сўнги йилларда туманимизга қарашли йўллар инфратузилмаси анча яхшиланди. Аммо бу билан хотиржамликка берилиб бўлмайди. Ҳали бажарадиган ишларимиз кўп. 2025 йилда ички йўлларни таъмирлаш

лантиришга доир қарорига кўра, 2025-2029 йилларда худудга катта маблағ ажратилиш кўзда тутилган. Мазкур маблағ доирасида, хусусан, электр таъминотини яхшилаш учун 2024 йилда 2,2 млрд. сўм, 2025 йилда 16 млрд. сўм, 2026 йилда 20 млрд. сўм ажратишни режа қилганмиз. Натижада 90 км. тармоқлар, 21 донна трансформатор, 75 донна ҳаво тармоғидаги таянч устун реконструкция қилинади. Натижада электр таъминоти сезиларли даражада яхшиланади.

Газ таъминотини яхшилаш учун 2024 йилда 1,2 млрд. сўм, 2025 йилда 1,6 млрд. сўм, 2026 йилда 2 млрд. сўм ажратилиш кўзда тутилган. Бу орқали 7 км. янги тармоқ қурилиб, 6,5 км. таъмирланади. Шунингдек, 6 та тақсимлаш пункти соланади. 15 та маҳалланинг газ таъминоти яхшиланади.

2025-2026 йилларда мактаб таълими тизимини янада ривожлантириш ҳам кўзда тутилган. Туманимизда жами таълим муассасалари сони

изни ташкил қилган бўлса, 2025-2026 йилларда бу кўрсаткични 74,5 фоизга чиқариш мақсад қилинган. Шунингдек, 1 та мактабгача таълим ташкилотини қуриш учун 12 млрд. сўм, 1 тасини мукамал таъмирлаш учун 8,5 млрд. сўм ажратилади. Шунингдек, 11 та хусусий боғча ташкил этилади. Бу ишларни амалга ошириш учун жами 22,3 млрд. сўм йўналтириш режалаштирилган.

Соғлиқни сақлаш тизимига 2025-2026 йилларда йўналтирилган маблағ 14,7 млрд. сўмни ташкил қилади. Таъмирлаш ишларига 10 млрд. сўм, жиҳозлашга 3,8 млрд. сўм ажратилган. Шунингдек, 12 нафар шифокор чет элга малака оширишга юборилади. Бюджетдан ташқари шифо ўринлари яратиш 2025 йилда 15 тани, 2026 йилда 30 тани ташкил қилади. 2025-2026 йилларда бирламчи тиббиёт муассасалари, 2 та оилавий шифокорлик пункти ва 1 та оилавий поликлиника таъмирланади.

Коммунал хизматлар аҳоли учун

ўрнатилди ва иссиқлик таъминотини яхшилашга 31,8 млрд. сўм маблағ ажратилади.

Эътиборлиси, туманимизда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш борасида ҳам ўзига хос тизим яратилмоқда. Боиси, тежамкор ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни оммалаштириш – давр талаби. Нафақат корхона ва ташкилотлар, балки аҳоли хонадонларига ҳам қуёш панеллари ўрнатиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Айтиш керакки, 230 та хонадон қуёш панелларидан фойдаланмоқда.

Шунингдек, инвестиция дастури, экспорт ҳажминини ошириш, оилалар ва хотин-қизларни муҳофаза қилиш борасида режалаштирилган дастурлар ишлаб чиқилган.

Ишсизлар сони 2025 йилда 1 минг 852 нафарга туширилади. Ишсизлик даражаси 2024 йилда 6,2 фоиз бўлса, 2025 йилда 5,4 фоизга камаяди.

Юқоридаги қарорда барча тар-

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ: БУГУНГИ ИМКОНЛАРДАН ЭРТАНГИ ДОВОНЛАРГА

учун 11 млрд. сўм, халқроқ аҳамиятдаги йўлларни таъмирлашга 7 млрд. сўм ажратилган. 2026 йилда эса ички йўллар учун 13 млрд. сўм ва халқроқ аҳамиятдаги йўллар таъмирини 12 млрд. сўм йўналтирилиши белгиланган. Ажратилган маблағлар жой-жойга ишлатилса, йўлларимиз янада

57 та. Шулардан умумтаълим мактаблари 52 та, мактабдан ташқари таълим муассасалари сони 5 тани ташкил этади. Бугунги кунда мактабларнинг ўқувчи қабул қилиш қуввати 22 минг 11 ўринни, ўқувчилар сони эса 21 минг 182 минг нафарни ташкил қилади. Ажратилган маблағдан

бирламчи эҳтиёж ҳисобланади. Айтиш керакки, сўнги беш йилда туманда тоза ичимлик суви билан таъминланганлик ҳолати 40 фоиздан 80 фоизга етди. Бирок “Чинобод”, “Бешкент”, “Қушкент”, “Дўстлик-1”, “Дўстлик”, “Ойдинобод” ва “Бирлик” маҳаллаларида ичимлик суви билан таъминлан-

моқларни ривожлантириш, бу орқали аҳолига янада қўлайлик яратиш, яшаш шароитини яхшилаш, ишсиз қатламнинг бандлигини таъминлаш каби мақсадлар кўзда тутилган.

Зеро, барча саъй-ҳаракатларимиздан мақсад аҳоли фаровонлигини ошириш, одамларни рози қилишдир.



равон бўлишига эришамиз. Шунингдек, 2 та кўприкни таъмирлашга: 2025 йилда 0,8 млрд. сўм, 2026 йилда 1,2 млрд. сўм ажратилади.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Президентимизнинг яқинда вилоятимизга қилган ташифи чоғида янги режа ва вазифалар белгилаб берилди. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг туманимизни янада ривож-

2 та мактабни реконструкция қилиш, 2 та спорт залини мукамал таъмирлаш, 1 та спорт зали қуриш режалаштирилган. Шунингдек, 3 та мактаб 48 та компьютер, 20 та электрон доска билан таъминланади. Бу ишларни амалга ошириш учун 2025 йилда 9,4 млрд. сўм, 2026 йилда 14,2 млрд. сўм ажратилиш режалаштирилган.

Болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш 2024 йилда 71,5 фо-

Жалолiddин ЭСОHOV (“Тошкент ҳақиқати”) олаган суратлар

ганлик даражаси 50 фоизга ҳам етмайди. Йил якунигача бу кўрсаткични 84 фоиз, 2025 йилда эса 91 фоизга етказиш режа қилинган. Электр, газ таъминоти, иситиш тизимида қўлайликлар яратиш бўйича ҳам тизимли ишлар белгилаб олинган. Режага кўра, мавжуд 53 та кўп қаватли уйларга локал иситиш қозонхоналари

Энг муҳими, одамлар кўзида қувонч бўлса, бугунги кунга шукрона айтиб, эртанги кунга умид ва ишонч билан яшаса, биз, масъуллар олдимизга қўйилган вазифани удаллаган бўламиз.

Акмал ХОЛМУРОДОВ,
Қуйи Чирчиқ тумани
ҲОКИМИ



Чоршанба сабоғи

25 йилдан ортиқроқ вақт давомида Тбилисидаги кўп қаватли уйлардан бирининг 4-қаватида “Жигули” автомашинаси турар эди.

Бу “Жигули” ҳикояси жуда ҳам қизиқ бўлган. 1991 йилда Тбилиси шаҳрининг туманларидан бирида яшовчи фуқаро Резо Энукидзе ўзи учун янги ВАЗ-2106 машинасини сотиб олади. У бу машина учун бутун умр пул йиққан эди.

Биринчи кечадаёқ ўғрилар машинанинг гилдирақлари ва ойларини

ни ечиб кетишади. Резонинг жуда ҳам жаҳли чиқади ва машинани ўзи яшаيدиган уйнинг балконида кран ёрдамида олиб чиқиб қўяди.

“Машина тинч, осойишта даврлар келгунча мана шу ерда туради”, – деб Энукидзе ҳаммага жар солади.

Машина Резо учун жуда қадри эдики, у машинани ерга олиб тушиш учун ҳали ҳам яхши даврлар келмади, деб ҳисоблар эди. У машинани балконида бўлса ҳам жуда яхши пар-

вариш қилар эди, ҳар куни уни ювиб, артиб, тозалаб кейин ишга кетар эди.

2018 йилда машина ерга олиб тушилди, лекин афсуски Резо Энукидзе энди йўқ эди. Унинг бутун

умрлик орзуси машинани ерга олиб тушиб, унда оиласи билан сайр қилиш эди...

Файласуфлардан бири шундай деган экан:

Ҳаёт сизга бир марта берилади, эртага ундай бўлиб қолса-чи, эртага бундай бўлиб қолса-чи деган ҳаёплар билан бугунги ҳаётинингизни ўтказиб юборманг. Ҳақиқий муваффақиятли инсонлар бугунги кун билан яшайди, эртанги куннинг таъшишларини эртанги кунга қўйиб беради.

Ҳаёт бир кун, у ҳам бўлса – бугун.



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalarini tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAQHMEDOV

G’afurjon MUHAMMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Behzod QOBULOV

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G’ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o’rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas’ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo’lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Nozima RASULOVA

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.

Bosishga topshirildi - 20:00

Nashr ko’rsatkichi - 205.

Buyurtma G-1235.

2 830 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog’oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvardan

03-001 raqami bilan

ro’yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo’li ko’chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko’chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo’jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Korxonani manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.